

ТИЛАВОЛДИ ЖЎРАЕВ

БОЗОР ДУНЁ



Тилаволди ЖЎРАЕВ

Бозор дунё

Роман

Kitobxon.Com

"ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ - 2006

Тилаволди Жўраев.

Бозор дунё: Роман. /Сўзбоши муаллифи — Й. Солижонов/. - Т.: "Шарк", 2006. - 448 б.

Мазкур асарда китобхон икки аёл — қишлоқи бозорчи келин ва шаҳарлик бой хонадон соҳибаси қисмати билан танишади, ҳаяжонга солувчи кизикарли воқелик, руҳий пўртаналар, икки оила теграсидаги воқеа-ходисалар, бозор дунё тарозусининг икки палласи кутбларида юз бераётган руҳий эврилишлар, интилишларнинг гувоҳи бўлади. Асл бойликнинг тамал тоши ҳалоллик экани, омонат бойликнинг охири войлиги, турмуш муаммолари, билиб-билмай йўл қўйилган хатолар, адашувлар қаламга олинади. Охир-оқибатда, фақат меҳр-мурувват ва гўзалликкина инсонни ҳалокатдан сақлаб қолиши, дунёнинг меҳр ўқи устида айланиши таъсирчан ҳикоя қилинади. Роман ўқувчини дунёнинг ишлари ҳақида мушоҳада ва мулоҳаза юритишга ундайди.

ББК.84(5У)6.

Kitobxon.Com

© "Шарк" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош тахририяти, 2006

ЧИГАЛ ТАҚДИРЛАР ДРАМАСИ

Сўнги йилларда ўзбек адабиёти шаклан ва мазмунан янги-ланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Кейинги 10 — 15 йил ичида ўзбек адабиётида дурагайлашиш, чатишиш, пайвандлашув ҳодисаси кўзга яққол ташланди. Бу жараён турлича бадиий унсурларни бирлаштириб, пейзаж ҳамда ижтимоий ҳаёт манзараларини тасвирлашда соф инсонпарварлик мазмунини сингдириб олганлиги билан эътиборни тортмоқда. Жумладан, табиат ва инсон, ижтимоий ҳодиса ва оддий турмуш ўртасидаги иқир-чиқирларнинг бирлашуви ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги асарларнинг фалсафий мазмунини бойитиб, адабиёт муҳибларининг муҳаббатини қозонмоқда.

Бундай яқинлашув аслида инсоннинг ичу ташини ағдариб кўрсатиш учун ёзувчига катта имконият яратади. Одамзоднинг табиат ҳодисалари ва ижтимоий воқелик билан ўзаро мулоқотга киришиши онг оқимиغا асосланган асарларнинг асосий хусусиятидир. Бинобарин, инсон шундай жонли организмки, у ўйла-масдан, фикрламасдан туролмайди. Унинг онгида бир пайтнинг ўзида ва муттасил равишда шу қадар нозик, хилма-хил ва айни чоғда ғоят мураккаб кечинмалар, зиддиятлар, тебранишлар рўй берадики, уларнинг барчасини қоғозга тушургудек бўлинса, мутлақо тартибсиз ва тушуниб бўлмайдиган чизиқлар ҳосил бўлади. Инсон бир сониянинг ўзида кечаги, бугунги ва эртанги куни, ҳатто ундан-да йироқ ёки яқиндаги ҳолатларни онг призмасидан ўтказа олиш қобилиятига эгадир. Мазкур жараёни бадиий акс эттириш эса осон эмас. Бу анча-мунча санъаткорга насиб бўлавермайдиган ноёб фазилатдир. Бундай хислатларни М. М. Дўст, О. Мухтор, Х. Дўстмуҳаммад, А. Дилмурод, Ш. Бўтаев, С. Вафо, А. Йўлдошев, А. Саидов каби қатор ёзувчиларнинг асарларида учратиш мумкин. Уларда Шарқ ва Ғарб адабиётига хос тасвирий усуллар ўзаро қоришиб, янгича услубдаги асарлар пайдо бўлаётир. Булар сафига фарғоналик адиб Тилаволди Жўраевнинг ҳам қўшилганлиги қувончлидир.

Хурматли ўқувчи! Сиз ёзувчи Т. Жўраевни "Қишлоқликлар" номли ҳикоялар тўплами, бир неча қиссалари, айниқса, "Арвоҳлар тунда изғийди" деб номланган саргузашт романи орқали яхши танийсиз. Инглиз тили бўйича етук мутахассис Т. Жўраев Ғарб адабиётининг йирик намояндалари — Ж. Жойс, Ф. Кафка, М. Пруст, У. Фолкнер сингари жаҳон тан олган адибларнинг насрий нутқ тизими ва бадиий тасвирда кашф

этган усулларини яхши билади. Уларнинг айрим асарларини аслиятдан таржима қилган. Хатто Ж. Жойс тўғрисида илмий рисола ҳам ёзган (Т.: "Наврўз", 1994). Унда улкан санъаткорнинг ижодий лабораториясига чуқур кириб боради ва онг оқими тасвирийлигининг ўзига хос тизимлари ва кирраларини батафсил ёритиб беради. Ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб онг оқимини тадқиқ қилган олим ҳам саналади.

Қўлингиздаги "Бозор дунё" романи адибнинг йирик жанрдаги навбатдаги асаридир.

Ёзувчи ҳар иккала романи моҳиятини бадиий адабиётнинг бош муаммоси бўлмиш эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш мавзусидан излайди. Агар муаллиф "Арвоҳлар тунда изғийди" романида "Ёвузликнинг асл башарасини очиб ташлаш, эзгуликнинг нечоғлик улуг неъмат экани"ни аниқ образлар мисолида кўрсатиб берган бўлса, "Бозор дунё" романида ёвузлик бойлик, ахлоксизлик, мансабпарастлик, порахўрлик тимсолида деталлаштирилади. Эзгулик эса меҳр, ишонч, садоқат, қатъиятлик, эътиқод каби фазилатларда намоён бўлади. Сиз бундай иллат ва фазилатларни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй-фикрлари оқими, мақсад ва интилишларидан билиб оласиз. Ёзувчи ўз романлари билан ўқувчилар қалбидан яхшилик, инсонпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотишга, йўлидан адашган кимсаларни огоҳлантиришга, ўзини ўнглаб олишга холис хизмат қилади.

Мазкур асарда Т. Жўраев қаҳрамонларнинг ботиний оламини очиб беришда ички монолог имкониятларидан унумли фойдаланган ва уларнинг миллий ўзига хослигини сақлашга, ўй-мулоҳазаларининг чегарадан чиқиб кетмаслигига ҳаракат қилган. Ёзувчи қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларига, сўзлашув тарзига ҳуда-беҳуда аралашавермайди. Улар ўз хохиш-истагига кўра ҳаракатланадилар, ўзларининг айна жараёндаги ҳолатига мос ҳолда сўзлайдилар. Сиз уларнинг ортиқча бўёқлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Муаллиф асарда тасвирийлик салмоғини камайтирмаган ҳолда ҳис-туйғулар ва рухий кечинмалар таҳлилини бевосита қаҳрамонларнинг табиий ҳаракатлари ҳамда фикр оқими орқали ифода этиш билан боғлаб юборади. Натижада, уларнинг онгида пайдо бўлаётган ўй-фикрлар билан ҳис-туйғудан жунбушга келаётган бетакрор қалб драмаси ўзаро чапишиб кетади.

Роман воқеалари Нозима — Мансур — Каниза учлиги ўртасидаги муносабатлар асосида ривожланади. Бошқа барча персонажлар у ёки бу даражада шу учовлон тақдири билан боғланади. Бадиий адабиётда мавжуд бўлган тарихий учлик тимсоли Т. Жўраев томонидан янгича талқин этилади.

Маълумки, азалдан одамлар ўртасидаги муносабатлар Тоҳир — Зухра — Қоработир учлиги шаклида намоён бўлгучи эди. Тилаволди эса уни бошқачароқ, яъни аёл — эркак — аёл тарзида куради. Тўғри, ўзбек адабиёти учун бундай учлик тал-

кини янгилик эмас. А. Қодирийнинг "Ўтган кунлар", П. Қодировнинг "Эрк" каби асарларида иккита аёл ўртасида қолган эркаклар тимсоли яратилган. Бироқ уларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг таъсири туфайли ташқаридан кириб келган учинчи тимсол билан ўртада пайдо бўлган зиддият талқин этилади. "Бозор дунё" романида эса қонуний эр-хотиннинг ихтиёрий хоҳиш-истаги туфайли юзага келган кескин тўқнашувлар жараёни қаламга олинган.

Шу боисдан сиз асарда ижтимоий масалалар билан боғлиқ конфликтни учратмасангиз, хайрон бўлманг. Муаллиф асосий эътиборни қаҳрамонлар орасидаги очик тўқнашувлар силсиласини тасвирлашга эмас, кўпроқ қалб драмасыни таҳлил этишга, ички коллизиялар тасвирига қаратади. Бу жиҳатдан Нозима образи характерлидир.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Нозима кейинги йиллар ўзбек адабиётида яратилган янги характердир. У билмайин эмас, билиб туриб босган тиконининг дардини тортган, ўз бахтига ўзи болта урган аёлдир. Унинг қисмати менга донишманд шоиримизнинг "Тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона" деган ҳикматли сатрларини эслатади.

Нозима севиб турмуш қурган эри Мансур билан 13 йил давомида аҳил, иноқ ҳаёт кечирди. Рўзғорида ҳамма нарса бут, егани олдида, емагани ортида. Бироқ, унинг бахти кемтик

— фарзандсизлик доғи аёлнинг юрагини ўртайди. Бу кемтик бахтни бут қилишнинг иложи йўқ, чунки Нозима аниқ билади

— бефарзандликнинг бош айбдори ўзи. У туғмаслик касалига мубтало бўлган. Айбини ювиш, суюкли эрини бахтли қилиш учун ҳамма нарсага тайёр у! Нозима ана шу мақсадини амалга ошириш истагида хатарли йўлга қадам кўяди: эри Мансурни алдаб-сулдаб, бегона аёл билан уч-тўрт кун бирга бўлишга мажбур этади. Ҳа, айнан мажбур этади! Мансур дастлаб кўнмайди. Ўзининг "узукка кўз кўйгандек" ярашган ақли, гўзал, ҳатто "бундай хотин билан аблаҳ ҳам бахтли бўлади"ган зукко рафикасида ажралиб қолишни истамайди. Нозима эса ўз аҳдидан қайтмайди, мабодо, эри бу йўлга юрмаса, ундан воз кечишини билдиради ва ўз наздидаги инсофли, мард, меҳрибон эрини измига солади.

Нозиманинг режасига кўра, қўшниси Салима опа билан бозордан топган хотин "инкубация" ролини бажариши керак. Бу аёл хомиладор бўлиши билан уйдан чиқиб кетади-да, ойкуни битганда туғиб, болани уларга "ҳадя" этади. Эрининг тоза қонидан бино бўлган бу болани Нозима ўз фарзандидек тарбия қилади. Шарт шуки, аёлни истаганча рози қилишади ва у болага оналик даъвосини қилмайди. Нозима билан Мансур бахтиёр, болалик уйлари бозор, ортларидан чироқларини ёқувчи меросхўр бор, бойликлари кўчада қолмайди. Афсуски, бу ишнинг охири бахайр бўлмади. Нозима ўйлаганидек, Каниза

"тўғри хотин" чикмади. Қишлоғидаги ночор турмушдан, ношуд эридан норози бўлиб юрган Каниза бошига кўнган бахт кушини кўлдан чикаргиси келмади. Боз устига "ўламан сагтор, танимаган аёл билан бир тўшакда ётишга" кўнмаган Мансур хожи ҳам "сўлқиллаган, қорамағиз, офатижон, эркак зотининг кўзини ўйнатадиган" Канизанинг лаззатини тотати-ю, ундан кўнгил узолмай қолади. Ахир, у ҳам эркак-да!

Хуллас, адабиётшунос Х. Рулъфо таъкидлаганидек, ёзувчи қахрамонининг ўзини ўзи ҳаракатга келтириши учун имконият яратиб беради-да, уни кузатиб туради, ҳолос. Натижада, қахрамонлар муаллифнинг кўлидан тутиб, ўз келгуси тақдири сари бошлайдилар ва бу табиийликни таъминлайди. Нозима ҳам, Каниза ҳам, Мансур ҳам ўз характер мантиғига кўра ҳаракат қиладилар. Ўқувчи улардан ҳар бирининг тобора чигал тақдирлар майдонига кириб бораётганига ишонади.

Т. Жўраев ўз романида қахрамонлари ҳаракат қиладиган замон ва маконнинг ижтимоий манзарасини чизишга алоҳида эътибор беради. Бунинг учун у шаҳар ва қишлоқ ҳаётини параллел тасвирлайди. Гоявий ниятини ўқувчига мутлақо сездирмаган ҳолда образларни ифодалашда бадий киёслаш усулидан фойдаланади. Китобхон фаровон турмуш кечириётган ва ана шу тўкин-сочинликни кўлдан бой бермаслик ниятида қалтис ишга қўл урган шаҳарлик Нозима билан "кўча-кўйда лақиллаб гап сотгани-сотган, ер ютгур" эри Самадга ўчакишиб, тирикчилик учун ўзини бозорга урган, дурустроқ яшаш илинжида ҳатто номусини ҳам савдога қўйган қишлоқи Канизани бир-бирига таққослайди. Уларнинг ўй-хаёллари орқали адиб ўқувчини жамиятда мавжуд ижтимоий иллатларнинг туб моҳиятини равшанроқ англаб етишга ундайди. "Тиришмаса, боқимандачилик кайфиятидан қутулмаса, кимирламаса" тирикчилик қозони ўз-ўзидан қайнамаслиги муқаррар замонда инсоннинг нималарга қобил ёки ноқобиллигини кўрсатиш ёзувчининг етакчи мақсадига айланади. Бундай таққослаш Мансур — Самад, Салима — Ўктамби, Наргиза — Арзиевна, Зокир Набиевич — Қодир Алиевич образларида янада бўртиброк кўзга ташланади.

Асосий қахрамонлардан бири Нозима кенг тафаккурга эга шахс бўлиб, бирон ишнинг бошидан тутмаса ҳам, бирон соҳага йўлбошчилик қилмаса ҳам атроф-муҳитга, эртанги истикболга бефарқ эмас. Жамиятдаги иллатларни кўради, маҳалла-кўй, одамлар оғзидаги майда-чуйда гап-сўзларни эшитади ва ташвиш чекади. Қодир Алиевич хонадонидagi меҳмонлар суҳбатидан кўнгли жойига тушади, унда эртанги кунга ишонч уйғонади. Бошига тушган бебахликдан озорланиб, эркак деса, "ў" дейдиган ҳолга келиб қолган Нозима ўзига қўйган чегарани худди шунда олиб ташлайди ва Қодир Алиевичга мафтун бўлиб қолади. Бир тарафдан бошига тушган оғир қисмат, рашк ўти куйити чин маънода аёл эканини исботлаш ғалаёнини тўғдира-

ди, танасида ўзгариш содир этади. Бахтга интиклик эса уни Қодир Алиевичга етаклайди, фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлади.

Асарнинг номида ҳам рамзий маъно мужассам. У романнинг куйидаги сатрларида янада чуқурроқ англашилади: "Ажаб кизик дунё бу — бозор дунё. Бўлмаса, шаъйини тўхтовсиз ўйнаб турадимиз? Ахир, кечагина Канизанинг бахти келишиб, тоши оғирлик килиб турган бўлса, бугун Нозиманинг палласи босаётир. Шу боисдан-да, одам боласи мубҳам сир-асрорларга банди бўлса керак-да..."

Шуни таъкидлаш жоизки, асар қаҳрамонлари жамиятдаги иллатларга қарши турадилар. Жамият ҳар қачон ҳам беғубор бўлавермайди ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Муаллиф ҳозирги кунимизда мавжуд иллатларни санаб ўтишгагина мойил бўлмай, балки куйинчак қаҳрамонлар тимсоли орқали уларнинг буткул барҳам топишини истайди, порлоқ келажак орзусида қалам тебратади. "Беш қўл баробар эмас" деганларидек, ҳалол-поқ замондошларимиз орасида ғамирлаган айрим нопок кимсаларнинг қилмишлари очик-ойдин қалам тўғи остига олинади ва муаллиф яқин келажакда жамиятнинг тозарувиغا, соғломлашишига ишонади. Бунда айбни бировларга юклаш йўлидан бормайди, балки ҳар биримиз ўзимизга талабчан ва ўрناق бўлишимиз, ана шундагина олдимизга қўйган эзгу ният, мақсадларга эришишга самарали йўл очилишига умид боғлайди. Зеро, ҳар қандай санъат асарининг ижтимоий юки ҳам шунда.

Романда ўқувчи эътиборини тортадиган образлардан яна бири, шубҳасиз, Канизадир. Уни муҳокама қилишдан аввал, калбига кулоқ тутайлик. У ҳақиқатан ҳам гўзал аёл эди, қараганнинг суки кирарди. Буни муаллиф деталлаштирилган тасвир ва ўзганинг нуқтаи назари орқали изчил кўрсатишга ҳаракат қилади. Бозорда унга кўпчилик ишқибозлик қилади, кўз уриштиради, кўп нарса ваъда қилади. Аммо у дарҳол кўниб кетавермайди. Ночор бўлса-да, унинг ҳам ўзига яраша орномуси, кадр-киммати, ҳаёси бор. Бироқ ана шу гўзаллиги, лаофати ўз кадрини топмаётгани уни эзди, ҳаётдан бездиради. Эри Самад учун бу гўзаллик маъбудаси фақатгина тунги лаззат буюми, холос. Унда на муҳаббат, на эътибор, на эркалаш бор. Эрнинг узлуксиз иликишидан безган. У ҳам одамга ўхшаб тўқ, болаларини бағрига босиб, осойишта яшашни истайди. Майли, уйи қошона бўлмасин, исимасин, кўнгил уйи хотиржам, эрининг меҳри илиқ, болаларининг усти бут, қорни тўқ бўлса, бас. Шунга эришиш учун Каниза ўзини ўтдан олиб, чўққа уради. Аммо бири икки бўлмайди. Эртадан кечгача топгани нон пулидан ортмайди. Нима қилса, рўзгори бадастур, ўзи топармон-тутармон бўлади?

Бозорда бирга олиб-сотарлик қиладиган қўшниси Салима опа тинмай унинг кулоғига катта бойлик, истаганча пул топишнинг осонгина йўлини қуйяпти. Унинг айтишича, Каниза уч-

тўрт кунга бир бадавлат одамга ўзини бағишласа, ундан хомиладор бўлиб, туғиб берса, олам гулистон. Сўнг оғзига сикқанин олсин. Болани уларга бериб, яна ўз оиласи билан яшай-веради. Байпули тарзида берилган ўн минг сўм пул, охори тўкилмаган жемпер, иссиққина этик аёлнинг кўзини ўйнатади, юрагини эритади. Бунинг устига "эркакнинг бўйнига бўйинтурук солиб, узанги такиб" минадиган онаси Ўктамби ҳам кизига пишанг бера бошлайди: "Роса етилибсан ҳозир. Қани, бенаво эркаклар буни билса! Эркак киши эмас, аёл кишининг ҳам суки қиради". Бу гаплар усиз ҳам тамшаниб турган Канизанинг нафсонияти "ўчоғига олов ёқади". У катъий қарор билан шаҳарга қайтади.

Салима опа билан Мансурнинг ҳовлисига кириб келган Каниза қошонага хавас билан эмас, сукланиб қарайди. Биринчи қадамиданоқ кўнглида бошқача ният туғила бошлайди. Бу уйдаги ҳамма нарса — нияти кўнгли сингари покиза Нозиманинг бўлажак кундошини оёғи остига поёндоз тўшаб кутиб олишидан, унга пой-патак бўлишигача, мазали мошхўрдадан тортиб, оппоқ кўпикли, иссиққина ваннагача, юмшоққина шиппакдан охори тўкилмаган ички-ташки кийимларгача — барчаси бундай нарсаларни тушида ҳам кўрмаган Канизани лол қиладди, айни чоғда кўнглида ғалати ниятларни туғён урдиради. Ёзувчи дастлаб буни очиқ айтмайди-да, шу ишга билиб-билмай аралашиб қолган Салиманинг нуқтаи назари орқали баён этади: "Канизанинг суқ билан ёнаётган кўзларини кўриб, хавотирни яна ошди". Бу хавотир бежиз эмаслиги воқеалар ривожиди ойдинлашади.

Азиз ўқувчи! Мен романинг бошланишидаги воқеалар тафсилотига бежиз кўпроқ тўхталаётганим йўқ. Зеро, роман сюжетининг бош тугуни илк саҳифаларданок ўртага ташланади ва ундаги барча чизикларни ўзига мустаҳкам боғлаб туради. Қолган воқеа-ҳодисалар ана шу тугун атрофига уюштирилади ва биронта персонаж ҳам эътибордан четда қолмайди. Бора-бора Мансурнинг шахсий ҳаётидаги чигалликлар ижтимоий муаммоларга боғланади. Персонажлар ҳаракат қиладиган маконнинг кенгайиши ижтимоий муаммолар доирасини ҳам кенгайтиради. Уйдан ўз ихтиёри билан чиқиб кетган Нозиманинг мактабдаги фаолияти орқали маориф, Мансурнинг акаси Зокир Набиевич вилоят ҳокими этиб тайинланиши муносабати билан бошқарув соҳасига, Каниза орқали қишлоқ ҳаётига оид долзарб масалалар ўртага ташланади, уларни ижобий ҳал этиш йўллари изланади.

Муаллиф ўз ғоявий ниятларининг самарлари яқунланиши учун турли поэтик воситалардан фойдаланишга ҳаракат қиладди. Шулардан бири қахрамонларнинг кўзгу тарзида намоён бўлиш усулидир. Бинобарин, Мансур, Нозима, Каниза, Қодир Алиевичларнинг ҳар бири муаллифга ҳаётнинг турли томонларини акс эттириш учун бадиий кўзгу бўлиб хизмат қила-

ди. Биргина Канизанинг ўзи қишлоқдаги турли муаммолар — фермерлар фаолияти, мактаб соҳасидаги келишмовчиликлар, айрим одамларнинг ночор аҳволи, инсоннинг шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслиги каби иллатларни кўрсатишга ёрдам беради. Мансур аввалида тадбиркорлик асосида тўғри бойиган бўлса, бу йўлда собит қола олмайди. Илк кунлари кенгайиб бориши асосида билиб-билмай турли жиноятларга қўл уради, атрофда турли иллатларнинг шаклланишига йўл очиб беради, натижада Мансур мансу бўлган "ҳукмрон" доира касалланади, ўз-ўзидан жамият ривожига вақтинча бўлсада, тўсик бўлиб қолади. Шундай қилиб, у қусур ва иллатлар илдизини кўрсатишга қўмаклашса, Қодир Алиевич соғлом кучларнинг рўёбга чиқаётгани, салмоғининг ортаётганини исботлашга ёрдам беради. Айниқса, дўстлари билан суҳбатда ҳалоллик бўлмагунча, ёрқин ҳаёт қуриш қийинлигини исботлаш ниятида келтирилган "Ҳалол — Аллоҳ" сўзларининг ҳамоҳанглигига ишора қилиниши ибратлидир.

Романда адиб қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштиришга, уларни ўз тилида сўзлатишга алоҳида эътибор беради. Айниқса, Фарғона шеvasига оид кўплаб сўзлар, шунингдек, эски тарихий сўзларнинг муваффақиятли қўлланилиши, янги истеъмолга киритилиши фойдалидир.

Шулар қаторида жаҳон адабиётига хос дурдона ҳисобланган — афоризм ва қанотли сўзларнинг ушбу асарда ҳам кўплаб истифода этилганлигини табриқлаш лозим. Халқ тафакқурининг ушбу ҳодисалари ўзбек ҳаётининг фалсафасига йўғрилган бўлса, қўллаб-қувватлаш даркор деб ўйлайман. Муаллиф нутқи билан персонажлар нутқи ўзининг оҳанги, бадиий савияси, лексикаси, синтактик қурилиши билан ажралиб туради.

Хуллас, романнинг фазилятлари ва албатта, ундаги баъзи жузъий камчиликлар ҳақида яна мулоҳазалар билдириш мумкин. Лекин ўқувчи ўзи мутолаа қилгач, дўпини олиб қўйиб фикрлаб, мағзини чакканга нима етсин?! Шунинг учун мен мулоҳазаларимга шу ерда нукта қўйиб, Сизни ўйлашга, мунозарага чақираман. Балки менга ёки ёзувчига айтадиган гапларингиз бордир? Эҳтимол, бизнинг айрим мулоҳазаларга қўшил-массиз? Марҳамат!

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/434> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/434> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/434>